



Оила қувончидан қувонганларим, шодлигидан севинганларим — менинг энг бахтли куним!"

4-с.

Меҳр кўп кўргизиб, ишонч улашмоқлик — фахр

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№20  
(2348)

2026 йил  
14 МАРТ,  
ШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

### БАРКАМОЛ АВЛОД УЧУН БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Куронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Жиззах вилоятида бўлди.



Ташриф давомида Дўстлик туманининг Фафур Фулом номидаги маҳалласи ҳудудда 10 гектардан ортиқ майдонда барпо этилган Ёшлар шаҳарчасида яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Шаҳарчадаги “Ренессанслар монументи” ёшлар учун улкан маънавий мактаб вази фасини ўтаса, “IT Park” марказида дастурлаш, робототехника йўналишида замонавий билимлар берилди.

Ёшлар кутубхонаси минглаб янги китоблар, электрон ресурслар ва интерфол ўқув тизимлари билан жиҳозланган. Минг кишилик амфитеатр ёшлар ижодни намоён этишга хизмат қилади. “Оила мактаби”да ёшлар турмуш, ахлоқ, психология ва тарбия соҳаларида билим олади. Очик спорт майдончалари ва ёпиқ замонавий спорт мажмуаси ёшлар учун соғлом турмуш тарзини қарор топтиради.

Шу ерда ёшлар билан самимий ва очик мулоқот ўтказилди. Йигит-қизларнинг таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, тadbirkorликни ривожлантириш ҳамда замонавий технологияларни урганишга қаратилган ташаббуслари тингланди. Суҳбат давомида ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва гоёлари муҳокама қилиниб, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жиззах шаҳрида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида “Киберспорт” мусобақаларига республика миқёсида старт берилди. Киберспорт ёшларнинг нафақат бўш вақтини мазмунли ўтказишга, балки уларнинг рақамли кўникмалари, жамоавий ишлаш ва стратегик фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Қизгин баҳслар куйидаги оммабop йўналишларда бўлиб ўтди:

- **жамоавий йўналишлар:** “CS:GO” ҳамда “DOTA-2”;
- **яккалик йўналиш:** “eFootball”;
- **ёш тоифаси:** 16 ёшдан 30 ёшгача.

Уюшма раиси Дўстлик туманидаги энг чекка ҳудудлардан бири “Бунёдкор” маҳалласида “еттилик” аъзолари билан учрашди. Унда маҳалла фаолларининг таклиф ва ташаббуслари тингланди. Айнисса, 13-14 март кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия хашари давомида амалга оширилган ишлар ва режаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиңг!

- @mahalla\_raislari
- @mahalladosh\_1
- @mahalladosh

КУН НАФАСИ

### МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”НИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Юртимиз нуфуси 38 миллиондан, меҳнатга лаёқатли аҳоли 20 миллиондан ошди, сўнги тўққиз йилда аҳоли даромади икки қарра кўпайди. Халқимиз оғирини енгил қилиш, кўтарган масалаларига ечим топиш бўйича вазир ва ҳокимлар маҳаллага тушиб ишлайдиган тизим яратилди. Бу йил ҳам маҳаллаларда аҳоли турмушини яхшилашга 56 триллион сўм ажратилмоқда.

— Энди вазирлар, ҳокимлар ўзига савол берсин: **шунча имконият бўла туриб, аҳоли кўтарган масалаларга**

вақтида ечим топиб бераётими? Бундан тўққиз йил олдин Халқ қабулхоналари ташкил қилинганда битта мақсад кўйилган эди: **давлат идораларини халққа яқинлаштириш. Тўғри, Халқ қабулхоналари вақтида самарали ишлади. Лекин бу идорани ҳам одамларнинг бугунги талабига мос ҳолда ўзгартирадиган вақт келди, — деди Президентимиз.**

Бундан кейин “Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак беришим керак” деган широр ҳар бир туман, шаҳар, вилоят ҳокими, вазир, унинг худудий ташкилот раҳбарларининг бош қойдаси бўлиши зарурлиги қайд этилди.



Давоми 2-саҳифада.

ОБОДЛИК

### УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ — БИРЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

Ҳашарда фаол бўлинг!  
Ватан остонадан, озодалик  
ниятимиздан бошланади!

Қадимдан ота-боболаримиз “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” деган ҳикматга амал қилиб, энг оғир ишларни ҳам ҳашар йўли билан осон битиришган. Бу хайрли ишлар ҳеч қандай моддий манфаатсиз, фақатгина эл дуосини олиш мақсадида бажарилган. Бугунги умумхалқ хашари ана шу эзгу анъананинг мантиқий давомидир.



ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

### ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ “ДРАЙВЕР”И: ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ОМИЛ БЎЛЯПТИ?

Хитой Халқ Республикасининг камбағалликка қарши курашиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган етакчи олимлари — Ван Циолин, Чжан Ци ва бошқа мутаассаддилар мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида ўтказилган навбатдаги учрашувда хитойлик экспертлар камбағалликни қисқартириш борасида Ўзбекистонда 2025 йилдаги ўрганишлари натижаларини тақдим этди. Мулоқот давомида, шунингдек, Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш масалаларига эътибор қаратилди. Ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, Маҳалла академияси фаолиятига Хитойнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш бўйича қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан, 13-14 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” широри остида умумхалқ хашари ўтказилди. Бу жараёнда маҳаллаларда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли қатламлари кўнгил ризолиги, ўз маҳалласини обод қилиш хоҳиши билан иштирок этаётир.

Ҳашарнинг дастлабки соатларида 32 мингга яқин кўча, 5,3 минг гектар ер майдонлари ободонлаштирилди. 4,3 миллион дарактлар оқланиб, уларга шакл берилди. 3 минг 73 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 2,3 мингга қабристон, 150 га яқин зиёратгоҳ, 3,8 мингга болалар ва спорт майдончаси тартибга келтирилди. 6 166 тоннадан зиёд чиқиндилар чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 4 045 та кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари хашар йўли билан таъмирланди. 5 421 та эҳтиёжманд оилалар, шу жумладан, 2 125 нафар ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Давоми 2-саҳифада.

БҮГҮНГИ  
СОНДА:

Тadbirkorга назорат эмас, тушунтириш ва кўмак зарур

7-с.

Одамларни тингламасдан, мулоқот қилмасдан муаммолар бартараф этилмайди

8-с.



**МАГАТЭ миссияси**  
Ўзбекистонга келади  
ва Жиззах вилоятида  
АЭС қурилиши  
жараёнини ўрганади.



**Ўзбекистон ЖСТга**  
аъзо бўлгач, қишлоқ  
хўжалиги, енгил ва  
автомобиль саноатини  
либераллаштиришда  
САККИЗ ЙИЛГАЧА  
ЎТИШ ДАВРИ муҳокама  
қилинапти.



**Ўзбекистон ва**  
Афғонистон ўртасида  
ИМТИЁЗЛИ САВДО  
ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ  
тасдиқланди.

# “МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**КУН НАФАСИ**

## МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”НИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОШАДИ



Мамлакатимизда ҳар ўн минг кишига ўртача 319 та ариза ва шикоят тўғри келаётгани қайд этилди. Айрим туман ва шаҳарлар ҳокимлари маҳалладаги 4-5 нафар одам билан “номига” гаплашиб, сайёр қабул ўтказдим, деб юргани танқид қилинди.

Ўтган йили алимент билан боғлиқ 70 минг мурожаат келиб тушган. Бу борада ҳокимлар алимент тўловчиларнинг қанчасининг касби бор, лекин ишсиз, қанчасини ўқитиш кераклигини таҳлил қилмаётгани, шундан келиб чиқиб, бандлик бўлими ва “маҳалла еттилиги” олдига аниқ масала қўймаётгани танқид қилинди. Худудларда ишларни шу тартибда ташкил қилса, алимент буйича мурожаатлар икки қарра камайиши мумкин.

Илгилрида қайд этилганидек, турли сабаблар билан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олмаган болаларга бундай ҳужжатни расмийлаштиришдаги бюрократия ҳақида 448 нафар одам мурожаат қилган. Адлия вазирлигига ушбу масалага содда ечим ишлаб чиқиш топширилди.

**Энергетика, йўл, сув инфратузилмаси буйича** 2025 йилда йўлланган мурожаатлар 109 мингдан ошган. Жорий йил ушбу масалаларни ҳал қилиш буйича 20 триллион сўм берилган. Ҳокимлар мазкур маблағларни, биринчи навбатда, энг кўп шикоят тўшаётган маҳаллаларга йўналтирса, одамлар ҳам рози бўлиши, мурожаат ҳам қисқариши қайд этилди.

Маҳалла аҳолисининг оғирини енгил қилишда “Ташаббусли бюджет” дастури катта самара бераётир. Лекин инфратузилма масаласида 25 мингта ариза келиб тушган 2 мингта маҳалла бирор марта “Ташаббусли бюджет”да лойиҳа жойлаштирмаган. Мутасаддилар Халқ қабулхонасига келган мурожаатларни таҳлил қилиб, мазкур маҳаллаларга лойиҳа қилишга кўмаклашганида эди, бу орқали кўплаб масалаларни жойида ҳал қилиш мумкин бўларди.

Халқ қабулхоналари янги очилганида мурожаатларнинг 90-95 фоизи шикоят шаклида бўлган бўлса, ҳозирга келиб, 60-65 фоизга тушди. Бугун одамларнинг дунёқарши ўзгариб, шахсий масалада эмас, маҳалласидаги шароитни яхшилаш юзасидан тақлиф беришни афзал кўряпти.

Соҳада янги тизим жорий қилиниб, Халқ қабулхоналари фақатгина ариза қабул қилувчи орган эмас, балки худуддаги муаммоларни диагностика қиладиган марказ бўлиши белгиланди. Янги тизим қандай ишлаши Қарши шаҳри мисолида тушунтириб берилди.

Халқ қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди. Бу ерда муаммоларнинг моҳиятини тушунадиган замонавий кадрлар жамланади, мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш буйича алоҳида назорат гуруҳи фаолияти йўлга қўйилади.

Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти ҳар ойда Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб, умумлаштиради, вазирлар ва ҳокимларга етказиб, ижросини назорат қилади. Одамлар кайфиятига тасвир қилаётган масалалар буйича раҳбарлар хисоботини эшитиб боради, энг муаммоли масалалар буйича тақлифларни Ҳукуматга киритади.

Ҳукуматда вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимларидан иборат Тезкор штаб тузилади. Кўтарилган масалалар худуд ва тармоқлар кесимида жойига чиққан ҳолда ҳал қилинади. Халқ қабулхоналарига мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузган идораларга мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ваколати берилади. Мурожаатлар билан ишлаш буйича давлат идоралари рейтингини йўлга қўйилади.

Мурожаатлар билан ишлашда “маҳалла еттилиги”нинг масъулияти оширилади. Президент Виртуал қабулхонасида ҳар бир маҳалла учун алоҳида кабинет очилади. Уни юритишга ёшлар етакчиси билан маҳалла раиси масъул бўлади. Улар келаётган мурожаатларнинг сабабларини ўрганиб, кунлик маълумотларни ҳокимларга тақдим қилиб боради. “Рақамли маҳалла” тизими Президент Виртуал қабулхонасига тулик интеграция қилинади.

Президентимиз бугун ижтимоий-социологик тадқиқот натижалари давлат сиёсати ва ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаб бериши кераклигини таъкидлади. Эндликда бир мартали сўровлар эмас, балки қаерда ишонч ортаётгани, қаерда заифлашгани, қайси қарорлар адолатли, қайсылари одамларга манфаат келтирмаётгани буйича доимий равишда мониторинг ва таҳлиллар ўтказилади.

**Президент Матбуот хизмати**  
ахбороти асосида тайёрланди.

**ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

## Ислохотларнинг янги “драйвер”и: Хитой тажрибаси қандай ўзгаришларга омил бўляпти?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари маҳаллари фаолияти билан танишди, жойлардаги ҳолатни ўрганиб, ўқув-семинарлар ўтказилди.

Делегация аъзолари Сирдарё туманидаги “Қуёшли” маҳалласида бўлди, худудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, маҳалла тизимидаги янги ёндашувлар ҳамда “еттилик” фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу ерда хитойлик профессор ва мутахассисларга “Рақамли маҳалла” платформасининг ишлаш тизими кўрсатиб берилди. Меҳмонлар тизимнинг қамрови, самарадорлиги ва аҳолига қулайлиги юқори даражада эканини алоҳида таъкидлаб, бундай кенг қамровли ва комплекс тизим ҳозирча Хитой амалиётида ҳам йўлга қўйилмаганини қайд этди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг бу борадаги тажрибаси илгорлиги ва эътиборга лойиқ экани таъкидланди.



Жараёнда делегация аъзолари маҳалла аҳолиси томонидан амалга оширилаётган ишлар, иссиқхоначилик фаолияти ва деҳқончилик тажрибасини кўздан кечирди. Шундан сўнг, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш йўналишидаги ҳамкорлик иштиқоблари муҳокама қилинди. Томонлар тажриба алмашиш, кўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашди.

Кейинги манзил — Жиззах вилояти. Хитойлик профессорлар Шароф Рашидов туманидаги “Туёқли” ҳамда Зарбдор туманидаги “Лалмикор” ва “Оқбулок” маҳаллаларига ташриф буюрди.

Сўхбат жараёнида ҳосилдорликни ошириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромад манбаларини кенгайтириш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш масалалари юзасидан фикр ва тавсиялар билдирилди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар юзасидан тақдимот намойиши этилди.

Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар Жомбой туманидаги “Найман” маҳалласида давом этди. Бу ерда томорқада малина етиштириш орқали даромадини оширишга эришаётган оилалар фаолияти билан танишилди. Шунингдек, делегация “Сафрий” маҳалласида ашовчи Алмиер Курбанов хонадониди ҳам бўлиб, гидропоника усулида кулупнай етиштириш жараёнини кўздан кечирди. Замонавий агротехнологиялар асосида ташкил этилган ушбу кичик хўжалик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

**ОБОДЛИК**

## Умумхалқ ҳашари — бирлигимиз кўзгуси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

...Эрта тонгдан Тошкент шаҳри маҳаллаларида ободлик тадбирлари бошланиб кетди. Жумладан, Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтепа” маҳалласи аҳолиси ҳам ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Бугунги ҳашарда 800 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этди.

— Ҳашар — ота-боболаримиздан қолган яхши одат, — дейди маҳалла раиси Зулфия Аҳадова. — Шу боис мен меҳнатга қўшилган ҳар бир томчи терни келажак авлод учун қоладиган мерос, деб биламан. Бир дарахт экилса, эртага болалар соясига ўйнайди, бир ариқ тазаланса, бутун маҳалла сувдан баҳраманд бўлади. Қолаверса, биргаллик қилинган меҳнат одамлар орасидаги беғоналикни йўқотади, қўни-қўшничилик ришталарини мустаҳкамлайди.

Эрта тонгдан Фарғона шаҳри кўчалари бўйлаб аҳолини умумхалқ ҳашарига чорлаган қарнай-сурнай садолари эзгу ва хайрли ишга хайрихоҳ фарғоналикларни бир мақсад атрофида бирлаштирди. Хусусан, “Урмончилар” маҳалласи ахли азалдан бирдамликни хуш кўради. Маҳалланинг кекса-ю ёши тонг сажардан ўзи яшайдиган хонадон, кўча ва гузарни обод қилишга кирришиди. Бу жараён юрт ободлиги йўлидаги меҳнат байрамига айланди. Бундай дийдорнинг завқи бўлакча.

— Фарғона вилоятида 1 063 та маҳалла бор, умумхалқ ҳашарини ўтказиш буйича барча маҳаллаларда режалар тузилди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адҳамжон Зиёвуддинов. — Эзгулик ҳаракатлари доирасида маҳаллалар, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи тартибга келтирилмоқда. Болалар майдончалари таъмирланади, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида янги кўчатлар экилади. Бу гал умумхалқ ҳашарида вилоятнинг жами 1,5 миллион аҳолиси иштирок этиши кўтилмоқда.



Қашқадарёда ҳам умумхалқ ҳашари уюшқоқликда, ёшу кекса фаолигида ташкил этилди. Ҳам-жиҳатликда кўчалар, ҳибонлар, маҳаллаларда ободлик ишлари бажарилди. Дарахтлар оқланди, ён-атроф тартибга келтирилди.

Шунингдек, яқна-ёлғиз, боқувчисини йўқотган маҳалладошларнинг яшаш манзиллари тартибга келтирилди. Ногиронлиги бор,

эҳтиёжманд, атрофдагилар кўмагига муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди. Қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Катта қозонда эрта тонгдан ҳашарчилар учун ош дамланди, унинг бир қисми маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилаларга тарқатилди.

— Ҳашар — ёшлар учун тилсиз тарбиячи, — дейди Деҳқонobod туманидаги “Оқиртма” маҳалла-

си фаоли Маҳмаржаб Пўлатов. — Унда иштирок этаётган йигит-қизлар меҳнатсеварлик сабогини олишади. Тер тўкиб қилинган меҳнат инсонни жисмонан ва маънан чиниктиради. Дахлдорлик туйғуси ортади, ўзи яшаётган маҳаллани, кўчани тазалаган ёш йигит ёки қиз эртага ўша ерга чиқинди ташламайди, дарахт шохини синдирмайди. Қолаверса, улар катта авлод вакиллари билан ёнма-ён ишлаш жараёнида ибрат мактабинини ўташади.

Умумхалқ ҳашари, бу — бизнинг бирлигимизни кўрсатувчи имтиҳондир. Бугун — 14 март кунини ҳам маҳаллаларда мазкур умумхалқ тадбири давом этади. Келинг, ҳар биримиз ўз хонадонимиздан, остонамиздан бошлаб, атроф-муҳитни обод қилайлик.


Ҳашарда фаол бўлинг! Зеро, Ватан остонадан, озодалик эса ҳар биримизнинг ниятимиздан бошланади!

**ҚУЛАЙЛИК**

2026 йил 1 мартдан бошлаб, “маҳалла еттилиги” хулосаси билан айрим оилалар уй-жойларига “яшил таъмир” хизмати бепул қўрсатилиши белгиланган.

Бу тартиб давлатимиз раҳбарининг “2026 йилда худудларни янги ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига кўра амалга оширилади. Унга кўра, “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида Ижтимоий реестрдаги I гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар уй-жойларида:

## “ЯШИЛ ТАЪМИР” ХИЗМАТИ КИМЛАРГА БЕПУЛ?



- девор ва томларни изоляция қилиш;
- энергия тежамкор дераза ва эшик ўрнатиш;
- қуёш панеллари ёки гелиоколлекторлар ўрнатиш ишлари

бажарилади.

Бу мақсадлар учун “Саховат ва кўмак”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жамғармалари ҳисобидан 200 миллиард сўм маблағ ажратилади.



Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг компаниялари билан ҳамкорликда КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИНИ ташкил этилади.



Пойтахтнинг умумий қиёфасини яратишга қаратилган ШАҲАР ДИЗАЙН-КОДИ РАСМАН ТАСДИҚЛАНДИ.



Ўзбекистонда ФАКТОРИНГ ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ 9,5 триллион сўмни ташкил этди.

2026 йил  
14 МАРТ,  
ШАНБА

Mahalla №20

3

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

# “Ўсиш нуқта” ишсизлик, деган ўйга ечим бўляпти

Одатда, бирор ишни бошлаш қийин туюлади. Кейин жараёнга тушасиз ва ўз устингизда ишлай бошлайсиз, қийинчиликларни секин-аста енгасиз. Ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаганимда шу ҳолатга тушдим...

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

## Гулчилик фақат даромад эмас, ҳаётга завқ ва шукуҳ бахш этади



Поп туманининг “Янги Хўжаобод” маҳалласидаги Саҳоват кўчасида бир хонадон борки, кирган инсоннинг баҳри-дили очилади, бу ердаги меҳнатнинг меваси ва гуллар нафасини ҳис қилади.

Фурқатжон ЭРМАТОВ,  
журналист.

Б у теварақда Абдурахмоновлар оиласини билмаган топилмайди. Қаҳрамонларимиз учун гулчилик — оддий машғулот эмас, балки даромад, завқ ва ҳаёт тарзига айланган. Хонадон вакиллари яхши яшаш учун имкониятни четдан кидиришмаган. Оёқ остидаги хазина — томорқадан оқилонга фойдаланишган. Ҳар мавсумда оила бюджетига қўшилаётган 100 миллион сўм даромад шу саъй-ҳаракат ортидан. Харидор ҳам кўп. Гуллар тури 15 хилдан ошади, нави эса бундан ҳам кўп. Ҳар бир кўчат меҳр билан экилади, парвариш қилинади ва бозорга чиқарилади. Янада қувонарлиси, бу оиладан ўрнатилган олаётган қўшилари талайгина.


Дастлаб лойиҳа учун 25 миллион сўм сармоя киритилган бўлса, мавсум якунида бу маблағ 100 миллион сўмлик тушумга айланади. Мухими, бир зумга иш тўхтамайди: 4 фасл давомида гул савдоси бор, томорқада сабзавотлар униб-ўсяпти. Уй эгаларининг сир-асрори оддий — ерни севсангиз, у сизга барака беради.

## ТУТАТИШ БОҒЛАРНИ СОВУҚДАН ҚАНЧАЛИК ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!



Газетамизнинг аввалги сонида дарахтларни совуқдан сақлаш бўйича тавсияларда тутатиш усули алоҳида қайд этилган эди. Амалда ҳам, бу усул совуқ шароитида ишлатилган анъанавий агротехник чорадир. Унинг самараси бир қатор физик жараёнлар билан тушунтирилади.



Аммо тезда вазиятни ўрганиш учун “еттилик” билан уйма-уй ҳатлов ўтказдик. Аниқланган муаммолар ечими устида тизимли ишладик. Ҳозир тадбиркорлар сони ортди, янги иш ўринлари яратилиб, ишсиз ва камбағаллар сони камайди.

Мадина Худойберганава ишсиз сифатида рўйхатда турарди. Унга ҳудуд ихтисослашувидан келиб чиқиб, кишлоқ хўжалиги йўналишида хизмат кўрсатиш учун 36 миллион сўм кредит берилди. Чорвачилик йўналишида ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, “Ижтимоий реестр”да турган Бобо Иноятов, Акмал Шомуродов, Инобат Ўрозметова ҳам кредит маблағи эвазига камбағалликдан чиқди.



Аслида, ҳар бир ҳудуднинг ички имконияти, ўсиш нуқтаси бор. Шу боис кейинги пайтда “драйвер” соҳаларни қўлаб-қувватлаш ҳақида кўп гапириляпти.



Ғайрат НАЗАРОВ,  
Шовот туманидаги “Бешмерган” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Муболағасиз айтишим мумкинки, ҳудудимизда имкониятлар жуда кўп. “Ўсиш нуқта” — боғдорчилик ва туризм. Бундан ташқари, ҳар бир оила деҳқончилик билан шугулланади. Аввалги йиллари картошқачилик ривожланган. Шу имкониятдан ҳам самарали фойдаланяпти. 100 нафардан ортиқ ёшга узок муддат фойдаланиш учун ер

ажратилди. Улар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида картошқа етиштиряпти. Яна бир “драйвер” — туризм. Чунки об-ҳаво, сўлим табиат манзараси, тарихий обидалар сайёҳларни ўзига чорлайди. Аиникса, ҳудудда Юсуф Ҳамодоний зиёратгоҳи бўлиб, бу ерга минглаб меҳмонлар келади. Уларга зарур шароит яратиш

мақсадида 2 та меҳмонхона қурилиши бошланди. 7 та уй-меҳмонхона рўйхатдан ўтказилди, туризм ахборот маркази ташкил қилинди. Барча кўчалар асфальтланди, ёритиш чироклари ўрнатилди. “Тўрт фаслда — тўрт саёҳат” ташаббусини жорий қилдик. Бу орқали энг фаол аҳоли вакилларини республика бўйлаб саёҳатга олиб боряпти.

Тажрибамда кўряпманки, тадбиркорлик ривожланганди, аҳоли бандлигини таъминлаш янада осонлашади. Яъни тадбиркор қанча кўп бўлса, уларнинг эркин ишлаши учун кенг шароит яратилса, шунча кўп одам иш билан банд бўлади. Битта корхона ортидан қанча оила даромад топиши, қора қозонини қайнатиши мумкин. Шу сабабли ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кредит миқдорини янада ошириш, хорижий инвесторларни жалб этиш лозим.

ТАҲЛИЛ, ТАНҚИД

## Ҳоким ёрдамчилари нега пора оляпти?



Бугун бу нақлни айрим ҳоким ёрдамчиларига нисбатан қўллаш мумкин. Уларнинг орасида порахўрлик иллати урчиб бораётгани, аввало, тизимга доғ бўлса, иккинчидан, аҳолининг давлатга ишончини йўқотади. Тўғри, рақамлар таҳлиliga қаралса, уларнинг фоизи юздан бир чикар. Лекин шу биргина жиноят ортидан қолган минглаб ҳалол меҳнат қилаётган ходимлар фаолияти сояда қолмаяптими?

Хайрулло ФАЙЗ.



Э сингизда бўлса, дастлабки йил Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги изох бериб, вазият учун фақат ҳоким ёрдамчилари ёки тизимни айблаш нотўғрилигини таъкидлаган эди. Шу билан бирга, бу нохуш анъанани йўқотиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилганди. Жумладан, тизимни автоматлаштириш коррупцион ҳаракатлар сонини камайтириши қайд этилиб, маълум вақт зарурлиги айтилган. Мана, орадан 5 йил ўтди. Ҳўш, тегишли масъуллар бу ҳолат бўйича ўрганиш олиб бордимми? Муаммога ечим изландими? Агар “ха” деб жавоб берилса, йиллар кесимида порахўрлик камайгани ёки...?

Вазирлик ходими Маҳмудхўжа Пулатовнинг қайд этишича, ҳоким ёрдамчилари иштирокида порахўрлик жинояти кўпайгани ёки камайгани бўйича аниқ маълумот йўқ. Аммо Коррупцияга қарши курашиш агентлиги берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда 2025 йилда 153 та иш бўйича жами 252 нафар ҳоким ёрдамчиси жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 37 нафари озодликдан маҳрум этилган. Вазиятни яхшилаш учун чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, дастлабки босқичда молиявий кўмак(субсидия, имтиёзли кредит ва сўда маблағ)лар ҳоким ёрдамчисининг тавсияси асосида ажратиб келинган бўлса, бугунги кунда мазкур масала “маҳалла етилиги”нинг коллегиял қарори асосида ҳал этиляпти.



Порахўрликнинг яна бир сабаби — инсон омили. Шу боис молиявий кўмак олишда инсон омилни минимал даражага тушириш мақсадида скоринг тизими орқали онлайн таҳлил қилиниб, автоматик тарзда баҳоланяпти. Бу эса ресурслар тақсимотида шаффофликни таъминлашга хизмат қиляпти. Барча маълумотлар электрон тизимга киритилиб, мониторинг қилиб бориляпти.

Ҳа, мутахассислар берган маълумотга кўра, иллатга қарши курашиляпти. Лекин нега натижа кўтилганидек эмас? Порахўр ҳоким ёрдамчилари ҳақидаги хабарлар кунда-кунора янграб турибди. Бу гўё гуруч гуручсиз бўлиб қолаётгандек тасаввур уйғотяпти кишида. Бас, шундай экан, иллатга қарши янада жиддий тарзда кураш олиб бориш лозим.



Ўзбекистон делегацияси БМТнинг ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲОЛАТИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИНING 70-юбилей сессиясида иштирок этди.



Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиш бўйича СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АСОСИДА янги платформа йўлга қўйилади.



16 март куни соат 14:00 дан ипотека кредитлари бўйича СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ бошланади.


## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, ЖАМИЯТГА ЭЪТИБОР

### Никоҳдаги ҳуқуқбузарликда “бетараф”лик эмас, жавобгарлик бўлади

Ёшларнинг ўз ҳаёт йўлини онгли равишда белгилаши, мустақкам ва барқарор оила қуриши ҳар қандай жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйик ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони аини шу мақсад учун хизмат қилиши билан жуда аҳамиятли.

Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи.



армонга кўра, 2027 йилдан бошлаб ҳар иккала тараф камида 21 ёшга тўлган ҳолда биринчи марта никоҳ тузган ёш оилалар учун давлат қўшимча имтиёз ва қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этмоқда. Хусусан, уларга уй-жой шароитини яхшилаш учун имтиёзли кредит, субсидия, тадбиркорликни бошлаш ёки ривожлантириш учун грант ва молиявий кўмаклар ажратилади. Агар бундай оилалар Ижтимоий реестрга киритилса, бериладиган молиявий ёрдамлар амалдаги миқдорга нисбатан 1,5 баравар оширилган ҳолда тақдим этилади.



Бугунги глобал шароитда эрта никоҳ кўп ҳолларда таълимнинг тўхтаб қолишига, иқтисодий қийинчиликларга ва ижтимоий хавфларга сабаб бўлаётгани халқроқ таҳлилларда ҳам қайд этилмоқда. Шу боис никоҳ ёшнинг онгли равишда белгилаши ва 21 ёшдан кейин оила қуришни рағбатлантириш ёшларга, аввало, мустақил ҳаётга тайёргарлик кўриш, олий ёки касбий таълим олиш, меҳнат бозорига ўз ўрнини топиш имконини бериш демакдир.

Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, эрта никоҳ ёки 16 ёшга бўлган ҳомиладорликни яшириш каби ҳолатлар нафақат ҳуқуқбузарлик, балки бола тақдирига бефарқ муносабатдир. Шу боис, янги тартибга кўра, бундай ҳолатларни яширин қолишининг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланмоқда.

Эндиликда эрта никоҳ ёки 16 ёшга бўлган ҳомиладорлик аниқланган тақдирда, бу ҳақда ички ишлар органлари ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига хабар бериш мажбурияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, диний идора вакиллари зиммасига юклатилади.

Мухими, мазкур ҳолатлар тўғрисида хабар бермаслик маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида белгиланди. Энди эрта никоҳ ёки вояга етмаган кизлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатларини яшириш ёки сукут сақлаш орқали “бетараф” бўлиб қолиш имкони қолмайди.

Давлат профилактикани фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси сифатида эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти сифатида белгилаб, шаффолик ва жавобгарлик тамойилларини амалда қарор топирмоқда. Бундан ташқари, жиноят ва ҳодисаларни рўйхатга олиш бўйича электрон тизими доирасида эрта никоҳ ва 16 ёшга бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш имконини берувчи “O’smir-signal” модули йўлга қўйилади.

Замонавий ахборот технологияларига таянган бундай тизим ҳуқуқбузарликларнинг эрта босқичда аниқланиши ва идоралараро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу тарих давлат профилактика, шаффолик ва жавобгарлик тамойилларини амалда қарор топирмоқда.

МАЪРИФАТЛИ АЁЛ — ОИЛА ВА ЖАМИЯТ УСТУНИ

## Оила қувончидан қувонганларим, шодлигидан севинганларим — менинг энг бахтли куним!”

...Бугунги куним жуда сермахсул ўтди. Яна бир натижа, яна бир қувончли хабар. Ойлар давомида ҳаракат қилиб, келиша олмаётган бир оилани яраштиришга эришдик. Уч нафар мурғак гўдакнинг ота-она меҳридан баҳра олиб, улғайишига муносиб ҳиссамиз қўшилди...



Янги даврнинг ёрқин ҳаёти

## БАНДЛИКДА БЕЛГИЛАНГ АНИДАН КЎПРОҚ АЁЛ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Жиззах вилоятида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни фойдали меҳнат ва тадбиркорликка жалб этиш борасида белгиланган вазифалар изчилроқ этилиб, муҳим натижаларга эришиляпти.

Жиззах вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати.

Хусусан, 2025 йилда 62 минг нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган бўлса, амалда 100 минг нафардан ортиқ аёлнинг ишли бўлишига эришилди. Бу белгиланган режанинг 162 фоизга бажарилганини кўрсатади.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 21 минг 157 нафар аёлга жами 556,2 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Имтиёзли кредитлар ҳисобига 10 минг 744 нафардан ортиқ аёл тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Улардан 8 минг 59 нафари юридик шахс, 2 минг 685 нафари эса яққа тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият бошлади.



Шунингдек, вилоятда пиллачилик соҳаси муҳим ўрин тутди. Жорий йилда 16 минг 669 қути (1000 тонна) пилла етиштирилиб, ушбу соҳа орқали 40 минг нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда “Аёллар дафтари” тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Сунгги беш йил давомида мазкур йўналиш орқали 187 минг 457 нафар аёлга қаролатилган ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Барча манбалар ҳисобидан 6 тоифада рўйхатга олинган хотин-қизларга жами 181 миллиард сўмлик ёрдам ажратилди. Жумладан, 2025 йилнинг ўзига 46 минг нафар опа-сингилларга 38 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, 65 нафар хотин-қизнинг уй-жой шароити 279 миллион сўм маблағ ҳисобига яхшиланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Рисолат ТОЛИПОВА, Тошкент шахри:

— Никоҳдан ажрашиш тўғрисида ариза топширилганда, айнан қандай масалалар бўйича келишувлар кўриб чиқилади? Мисол учун, тўй харажатлари ундириб бериладими?

### Тўй ХАРАЖАТЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛАДИМИ?

Нилуфар ЮНУСОВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси:

— Қонунчиликка кўра, никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда, эр ва хотин куйидаги масалаларга доир келишувларни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин:

- вояга етмаган болалари ким билан яшаши;
- болалар ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби;
- таъминотнинг миқдори;
- умумий мол-мулкни бўлишга доир.

Бироқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

Моҳигул ИСМАТОВА, Бектемир туманидаги “Йил ота” ва “Гулбоғ” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.



Аслида, анча вақтдан буён айро яшаётган эр-хотинни муросага келтириш осон бўлмади. Лекин “еттилик” ходимлари ҳамда “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди.

Маҳалла тизимидаги йигирма йиллик фаолиятим давомида бундай вазиятларнинг кўпига гувоҳ бўлдим. Тўғри, феъл-атворлар турлича, муаммолар бир-бирдан фарқли. Лекин ишга виждонан ёндашган киши, албатта, уларга муносиб ечим топа олади.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг ўзига яраша машаққатли жиҳатлари билан бирга, қувончлари тарафлари ҳам бор. Хонадонларнинг тинч ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, ажрашиш ва эрта никоҳларнинг олдини олиш қанчалик қийинчилик туғдирмасин, одамларнинг туйлариди уларга қўшилиб, хурсандчилик қиламиз. Фарзандлари ўқишга кирса, яхши лавозимларга тайинланса, ич-ичимиздан севинамиз.

Аввал менинг битта оилам бор эди, энди улар 2 079 тага етган. Ҳозир маҳалланинг бешикдаги боласига-ча мени яхши танийди. Алоҳида вақт ажратиб, хонадонларни айланишдан эринмайман. Бундан чарчоқ эмас, чексиз завқ туяман. Маҳалла ходими халққа қанча яқин бўлса, шунча муаммоларнинг олди олинади.

Хотин-қизлар билан ишлаш асносида уларни касб-хунар ўрганишга, ўзи қизиққан соҳада меҳнат қилишига қорлаймиз. Тарғибот ва ури-нишларимиз натижасида тадбиркорларимиз кун сайин кўпаймоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, янгидан-янги иш ўринлари очилляпти.

Гулжаҳон Аҳмедова маълум муддат оғир хасталик билан курашди. Унинг саломатлигини тиклаш мақсадида “Саховат ва кўмак” жамғармаси моддий ёрдам ажратди. Хорижий давлатда ўтказилган жаррохлик амалиёти қутилганидек муваффақиятли ўтди. Аёл қисқа фурсатда оёққа турди. Ҳатто, тадбиркорлик бошлаш истагида 33 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Айни вақтда у ташкил этган хусусий болалар боғчасида 60 нафар бола таълим-тарбия оляпти.

Жорий йилда эса Барно Максудова 150 миллион сўм кредит олиш мақсадида ариза топширган. Шу кунга қадар савдо йўналишида ишлаб келаётган аёл энди 30 сотих майдонда иссиқхона барпо этиб, помидор етиштиришни режалаштирган. Кўриб турганингиздек, иш жуда қизгин. Фақат хотин-қизлар фаоли сифатида иккита маҳаллада фаолият юритиш бироз мушкул кечяпти. Сабаби, орадаги масофа олис. Қутилмаганда ҳал қилиниши керак бўлган турли топшириқлар чиқиб қолади. Шу боис аввалгидек битта маҳалла билан ишласак, натижадорлик янада орган буларди.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.



**МУҲАНДИС ТАЛАБАЛАР 4 кун назарий билим олади, 2 кун амалиёт ўтайдиган тизим яратилади.**



**Ўзбекистонда ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ бир йилда икки баробарга ошди.**



**Ўзбекистонда “IT-VISA” ОЛИШ УЧУН ЯНГИ ТАЛАБЛАР жорий этилиб, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси кенгайтирилди.**

**2026 йил 14 МАРТ, ШАНБА**

**Mahalla №20**

**5**

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

### БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИМИ?

Ғузур туманининг “Хўжагузар” маҳалласида истиқомат қилувчи Бекзод Сайфуллаев маҳалладаги ёшлар етакчиси кўмаги билан банкдан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

### ОРТТИРИЛГАН ТАЖРИБА ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА САБР-ТОҚАТ ОРТИДАН

Барчин ЖАЛОЛОВА.

У металлларга ишлов бериш йўналишини танлаб, замонавий дарвозалар, панжаларлар ва бошқа турдаги металл буюмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Иш жараёни осон бўлмаган: баъзан камчиликлар юзага келар, ҳар бир кадам эҳтиёткорлик ва сабрни талаб қиларди. Аммо Бекзод тажриба тўплаб, ишнинг сир-асрорини ўрганиб, ўз услубини топгунча ҳар бир кадамдан мустаҳкам ирода билан ўтиб борди. Энди эса унинг рангли дарвозаларини кўрсангиз, улар нақадар гўзал кўринишга эга эканини дарҳол сезасиз — ҳар бир буюмга у ўз гоёси ва меҳнатини сингдиради.

**Бугун Бекзод нафақат шахсий муваффақиятга эришди, балки улкан сабр-тоқат ва тинимсиз меҳнати сабабли тажрибали устага айланди. Ҳозирда унинг корхонасида 4 нафар янги иш ўрни яратилган, ёшлар банд, аҳоли эса сифатли ва мустаҳкам металл маҳсулотлардан фойдаланапти.**



### ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

## ҚАТЪИЯТ ВА ҚОБИЛИЯТИ БОР ЁШЛАРГА КЎПРОҚ КЎМАК ВА ИМКОН БЕРМОҚ КЕРАК

Ёшлар билан ишлашни бошлаган илк кунларимни эсласам, кўнглимда турли ҳиссиётлар уйғонади. Ростини айтсам, иш фаолиятим бошида бироз тажрибасиз эдим.



**Абдуллох АБДУШУКУРОВ, Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Жарарик” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Лдимида турган вазифалар катта, масъулият эса янада улкан эди. Баъзан ўзимга ҳам савол берардим: “Қанчалик уддалай оламан?” Аммо вақт ўтиб шуни тушундимки, бу йўлда менга энг катта кучни айнан ёшларнинг ўзи беради. Уларнинг тиришқоқлиги, интилиши ва ишончи менга қанот бўлди.

Маҳалламизда бугунги кунда 1 216 нафар ёш истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти жуда меҳнатсевар. Кимдир ишлаб чиқаришда, кимдир тадбиркорликда, яна кимдир савдо-сотиқ билан шуғулланади. Мебелсозлик, қандолатчилик, турли хўнарандчилик йўналишларида меҳнат қилаётган ёшларимиз ҳам кўп.

Йигит-қизларнинг муаммолари ва имкониятларини аниқлаш мақсадида йил аввалида хатлов қилиб олдик. Бу ишлар давомида айрим ёшлар алоҳида эътиборга муҳтож эканини кўрдик. Масалан, улар орасида ногиронлиги бўлган ёшлар бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам ишсиз эмас, аксинча имкон қадар меҳнат қилишга интилишади. Фақат икки нафар ногирон ёш оёғида тўғма нуқсон борлиги сабаб уйдан чиқиб ишлай олмайди. Шунда ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади. Уй шароитида уйинчоқлар ясаб, буюртма асосида ишлаб, оз бўлса-да, даромад топишмоқда. Бундай қатъиятни кўриб, ёшларимизга янада кўпроқ ердам бериш кераклигини ҳис қиламан.

Кўп қаватли уйлар кўп бўлгани сабабли томорқадан фойдаланиш имконияти йўқ, айрим хонадонларнинг даромади пастроқ. Шу боис “Камбағал оилалар реестри”да турадиган оилаларда истиқомат қилувчи ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Лекин ҳар бирига имкон берилса, улар ўз қобилиятини ишга солишини фаолиятим давомида кўриб, гувоҳ бўлдим.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

**Латиф ҚўЧҚОРОВ, Сирдарё вилояти:**

— 50 ёшдан, яқинда 25 ёшли ягона фарзандим иш жойида вафот этди. У оила курмаган эди. Биз — ота-онани ишлаймиз. Шу ҳолатда ота-она сифатида бизга моддий зарар қоплаб бериладими?

### “Фарзандим иш жойида вафот этди, моддий ёрдам бериладими?”

**Анбар ҚОДИРОВА, ҳуқуқшунос, адвокат:**

— Меҳнат кодексининг 327-моддасига кўра, агар ходим меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этса, иш берувчи зиённи марҳум ходимнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга ёки ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қоплаши лозим. Яъни қонун боқувчисини йўқотган шахсларга маълум миқдорда туловлар белгиланишини назарда тутаяди.

Сиз баён қилган вазиятга кўра, сиз ва аёлингиз ишлайсиз ва ногиронлигингиз мавжуд эмас. Шунингдек, марҳум фарзандингиз сизларнинг моддий таъминотингиз бўлгани ёки сизларнинг қарамоғида эканингиз ҳақида маълумот келтирилмаган. Шу боис амалдаги қонунчиликка кўра, сизларга боқувчисини йўқотганлик муносабати билан ойлик зиённи қоплаш туловини тайинлаб бўлмайди.

Бироқ қонунчиликда бошқа муҳим меъёр ҳам мавжуд. Меҳнат кодексининг 332-моддасига мувофиқ, агар ходим меҳнатда майиб бўлиши ёки соғлиғига етказилган шикастланиш оқибатида вафот этса, дафн этиш билан боғлиқ зарур харажатларни иш берувчи қоплаши лозим.

Маҳалламизда “IT”, сартарошлик, қандолатчилик ва устачилик билан шуғулланувчи йигит-қизлар кўпаймоқда. Масалан, Достон Холов “IT” йўналишида фаолият юритади. Уни курсда ўқитиб, субсидия асосида ноутбук ва принтер билан таъминлаганимиз. Бугун у ўз касбидан даромад топяпти. Мўътабар Исмоилова эса уйда кичик қандолатчилик цехини ташкил қилган. Торт тайёрлаб, буюртма асосида ишлайди, ижтимоий тармоқларда пандалик бўйича саҳифа очган ва буюртмалар олмақда.

Шу тариқа фаолиятимиз давомида қарийб 150 нафар ёшни ишга жойлаштиришга эришдик. Уларнинг ҳар бир қадами, ҳар бир муваффақияти — маҳалламизнинг келажиги ва умиди. Шу ёшларнинг қўлида бизнинг орзуларимиз яшайди, улар билан бирга биз ҳам олға интиламиз.

### ТАРТИБ

## КўНГИЛЛИ ЁШЛАР ҲАРАКАТИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Бугунги кунда дунё бўйича аҳолининг 10 фоиздан ортиси волонтерлик фаолияти билан шуғулланади. Бу эса кўнгилилик ҳаракати жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланганини кўрсатади. Волонтерлар нафақат муҳтожларга ёрдам бериш, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам давлат ва жамиятнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда.

**Шаҳноза ХАЛИЛОВА.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда волонтерлик ҳаракати алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, волонтерлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани, Волонтерлар мактаби ҳамда олий таълим муассасаларида махсус марказлар ташкил этилгани бу йўналишнинг ривожига кўчли туртки берди. Натияжада кўнгилли ёшлар сафи сезиларли даражада кенгайди: сўнгги йилларда уларнинг сони қарийб беш баробарга ортган.

Бугунги кунда экология, тиббий хизмат, таълим, ижтимоий ҳимоя ҳамда фавқулодда вазиятларда кўмаклашиш каби йўналишларда фаолият юритаётган волонтерлар сони 100 минг нафардан ошди. Бу эса ёшларнинг жамият ҳаётидаги муаммоларга бефарқ эмаслигини, уларнинг ташаббускорлик ва ижтимоий масъулияти ортиб бораётганини аёнлатади.

Шу билан бирга, волонтерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, уни тизимли асосда қўллаб-қувватлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Жорий йил 24 февраль куни Президентимизнинг ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Учрашув давомида кўнгилли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда янги лойиҳаларни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур суҳбатда волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда фаол кўнгилли ёшлардан иборат Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Вазирлик кенгаши ташкил этиш таклифи қилинди. Ушбу кенгаш волонтерлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, турли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда янги лойиҳаларни йўлга қўйишда муҳим платформа бўлиши кутилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик — кўнгилли ёшлар учун “Ижтимоий фаоллик картаси” жорий этилиши билан боғлиқ. Мазкур карта орқали ёшларнинг экология, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт, таълим ҳамда жамоат хавфсизлиги каби йўналишлардаги волонтерлик фаолияти баҳолаб борилади. Ҳар бир фаолият учун махсус балл тизими жорий қилинади. Бу эса ёшларни жамият ҳаётида янада фаолроқ бўлишга ундайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Барака” иловасидан НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ УЧУН АРИЗА ТОПШИРИШ мумкин.



Ўзбекистонда ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИК ВА ОИЛАГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН “crime map” жорий этилади.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги суратга олган “ИНСОН” НОМЛИ ФИЛЬМ томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

6

Mahalla №20

2026 йил 14 МАРТ, ШАНБА

# “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

## ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Инклюзив таълим, бу — ногиронлиги бўлган ҳамда махсус таълим эҳтиёжларига эга ўқувчиларнинг умумий таълим муассасаларида тенг шароитда тахсил олишини таъминлашга қаратилган педагогик ва ҳуқуқий концепция ҳисобланади. Мазкур тизим барча ўқувчиларни бир мактаб ва бир муҳит ичига жамлаш орқали уларнинг ижтимоийлашувини таъминлашга хизмат қилади. Бу ёндашув жамиятда тенглик, бағрикенглик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

## Сифатли таълим олишга ҳар боланинг ҳуқуқи бор

Дилрабо УМАРОВА, Ҳўжабод туманидаги “Нишоббий” маҳалласи ижтимоий ходими.



аҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим тизимида ногиронлиги ёки алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни умумий таълим жараёнидан четда қолдириш жамиятда ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий йўқолишларга олиб келади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, дунё бўйича тахминан 240 миллиондан ортиқ бола ногиронлик билан яшайди. Уларнинг катта қисми сифатли таълим хизматларидан тўлиқ фойдалана олмайди.



Аҳамиятлиси, инклюзив ёндашув илк бор мактабгача таълим тизимида ҳам жорий этилиб, 200 дан ортиқ боғчада инклюзив гуруҳлар ташкил этилди. Бу ҳолат инклюзив таълимнинг узлуksизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадамдир.



Ўзбекистон шароитида ҳам ушбу муаммо узқ йиллар давомида долзарб бўлиб келган. Авваллари имконияти чекланган болалар, асосан, ихтисослаштирилган интернатлар ва махсус мактабларда ўқиган. Бу эса уларнинг жамиятга мослашувини чеклаган. Сўнгги йилларда эса Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида инклюзив таълим давлат сийосатининг устувор йўналишига айланган.

Халқаро тадқиқотлардан маълум бўлишича, инклюзив таълим жорий этилган давлатларда нафақат махсус эҳтиёжга эга болаларнинг, балки соғлом ўқувчиларнинг ҳам академик натижалари анча яхшилانган. Масалан, Португалияда 2018 йилдан бошлаб барча мактаблар инклюзив моделга ўтказилган бўлиб, бугунги кунда ногиронлиги бўлган болаларнинг 98 фоизи умумтаълим мактабларида тахсил оляпти. Финляндия ва Норвегия тажрибасида инклюзив таълим орқали мактабни тарқатиш кўрсаткичи 20-25 фоизга камайгани аниқланган. Бу ҳолат инклюзив муҳит болаларда ўзига ишонч туйғусини оширганини кўрсатади.

Мамлакатимизда 2020 йилдан бошлаб инклюзив таълим тизими равишда ривожланяпти. Қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқат дастурларида ушбу йўналиш алоҳида устувор вазифа сифатида белгиланди. Давлат раҳбари ўз нутқларида “ҳар бир бола, қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга” эканини бир неча бор таъкидлаган.

2023-2024 ўқув йилида республика бўйича 530 дан ортиқ умумтаълим мактабида инклюзив таълим жорий этилди. Уларда 1195 нафар алоҳида таълим эҳтиёжига эга бола таълим оляпти. Ўқувчиларнинг 37,6 фоизини қизлар ташкил этиши гендер тенглик нуқтаи назаридан муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Гарчи юртимизда инклюзив таълим бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўп. Хусусан, махсус педагоглар ва дефектологлар етишмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, кўплаб мактабларда моддий-техник база ва мослаштирилган инфратузилмнинг етарли эмаслигини кўриш мумкин. Ўқувчиларнинг инклюзив педагогика бўйича тайёргарлик даражаси пастлиги ҳам асосий муаммолардан биридир. Мазкур масалаларни босқичма-босқич ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

## СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...

## Манзилли ёрдам билан қалблар хотиржам



Фаргона шаҳридаги “Ифтихор” маҳалласидаги 38 та хонадон вакиллари Ижтимоий реестрга киритилган. Ижтимоий ходим Муаттархон Тоиржонова эҳтиёжманд фуқаролар билан манзилли иш олиб бормоқда.

Давлатжон ПОЛВОНОВ, журналист.



умладан, куз-қиш мавсуми муносабати билан 7 нафар фуқаронинг аризаси асосида электр энергия ва табиий газ тўловлари қоллаб берилди. Шунингдек, коммунал харажатлар бўйича 41 нафар фуқарога бир марталик моддий ёрдам етказиб берилди.

Маҳаллада эҳтиёжманд аҳолига кўмак бериш мақсадида 1 нафар фуқаронинг жарроҳлик амалиёти учун етарли маблағ ажратилди. 5 нафар фуқаронинг кийим-кечак, 9 нафарининг озик-овқат маҳсулотларини харид қилиши бўйича ваучерлар шаклантирилди.

Арофат Раҳимовага маҳалла ва тегишли ташкилотлар манзилли ёрдам кўрсатяпти. Фуқарога Рамазон ойи муносабати билан ажратилган бир марталик моддий ёрдам маблағлари топширилди. Уй-жой таъмири учун ҳам аризаси қабул қилиниб, ҳозирда урганиш ишлари олиб борилмоқда. Кўрсатилган хизматлар натижасида фуқаронинг яшаш шароити маълум даражада яхшиланишига эришилди.

## ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

# Меҳр кўп кўргизиб, ишонч улашмоқлик — фахр



Маҳаллада иш бошлаган вақтим аҳоли вакиллари ижтимоий хизматлар ҳақида унчалик кўп маълумотга эга эмасди. Эҳтиёжманд кишиларни мавжуд имкониятлар ҳақида хабардор қилиш биринчи галдаги вазифамиз бўлди.

Нодира ЖОНУЗОҚОВА, Ғаллаорол туманидаги “Маржонбулоқ” шаҳарча фуқаролар йиғини ижтимоий ходими.



тган икки йил қисқа муддат бўлишига қарамай, бутун республика бўйлаб ижтимоий ҳимоя соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу жараён менинг мўъжазгина маҳалламда ҳам ўз аксини топди.

Худудимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли сони анчагина. Уларнинг ҳолидан доим хабардор бўлиш, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, йўл кўрсатиш ва қийин вазиятлардан олиб чиқишни асосий вазифам, деб биламан. Бу борада маҳалладаги ҳамкасблар билан ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат иш олиб боряпмиз.

2025 йилни сарҳисоб қилганимда, эришилган натижалар анча салмоқли эканини кўрдим. Йил давомида 26 та кейс очилди ва эҳтиёжига кўра, оилаларга комплекс ижтимоий хиз-

матлар кўрсатилди. Хусусан, 15 нафар ногиронлиги бўлган шахсга реабилитация қилишнинг техник воситалари берилди ҳамда адаптив спорт гуруҳларига жалб этилди. 12 нафар фуқарога “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида зарур ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. 16 нафар тазйиқ ва зўравонликка учраган аёл ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларига ҳуқуқшунос ва психолог ёрдам берапти. 4 нафар ўзгалар парварошига муҳтож ёлғиз кексаларга ижтимоий ассистент бўлиб қўйилди, мунтазам равишда уларга кўмаклашиб келяпти.

Маҳалламиздаги 10 нафардан ортиқ ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаган бола аниқланиб, уларга қариндошлари орасидан васий ва ҳомиёлар белгиланди. 22 нафар васийликдаги бола доимий мониторингдан ўтказилмоқда. Шунингдек, Ижтимоий реестрга киритилган 102 та хонадон вакиллари таълим, ишга жойлашиш ва соғлиқни сақлаш йўналишларида қўллаб-қувватланяпти.



Жорий йилда ҳомиёлар кўмағида 3 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Унга кўра, кам таъминланган оила фарзандлари касбга ўқитилиб, доимий иш билан таъминланмоқда ва оилаларига қўшимча даромад келтирмоқда.

Ижтимоий иш соҳаси биздан сидқидилдан ва виждонан фаолият юритишни талаб этади. Бу соҳада ўзгалар дардига бефарқ инсон ишлаб олмайди. Мен учун ижтимоий ходим — бу инсонларга меҳр, ғамхўрлик, ишонч ва ҳимоя туйғуларини улашувчи шахсдир. Ана шундай шарафли ва масъулиятли соҳада фаолият юритаётганимдан фахрланаман.

## БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

# ҚИЙНАЛГАННИ ҚЎЛЛАДИК, ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАДИК



Юртимизда муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган Президент қарори асосида жойларда моддий ёрдам тўловлари босқичма-босқич тўлаб бериляпти.



Ажратилган маблағларнинг асосий қисми давлат таъминотидаги оилаларга йўналтирилди. Жумладан, 52 та хонадон вакилига 1 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратилди. Бу ёрдам фуқаролар учун муҳим қўллаб-қувватлов бўлмоқда.

Марғуба АЛИҚУЛОВА, Гулистон шаҳридаги “Боғишамол” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламизда ҳам мазкур қарор ижроси доирасида манзилли ижтимоий кўмак ишлари амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда худуддаги 142 та оилага жами 97 миллион сўм миқдоридан моддий ёрдам тўлаб берилди.

Шунингдек, Ижтимоий реестрга киритилган 90 та эҳтиёжманд оилага 500 минг сўмдан моддий кўмак ажратилди. Маблағ фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказилиб, жараён шаффоф ва манзилли тарзда олиб берилди.

Айни пайтда иккинчи босқич доирасида қўшимча шаклантирилган рўйхатлар бўйича ҳам тўловлар амалга оширилган бўлиб, бунда “маҳалла еттилиги” ҳақиқатан ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни аниқлаш ва уларни тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратяпти.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.



**153,9 МИЛЛАРД СЎМ МИҚДОРИДАГИ ҚАРЗДОРЛИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ДЕБИТОРЛАРИ ХИСОБИДАН УНДИРИЛДИ.**



**Янги фармацевтика ва доривор ўсимликлар бўйича лойиҳаларга уч йиллик СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ берилди.**



**Электр ва газ тармоқларига НОҚОНУНИЙ УЛАНИШ УЧУН ЖАРИМАЛАР миқдори оширилади.**

**2026 йил 14 МАРТ, ШАНБА**

**Mahalla №20**

**7**

**“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”**

**СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ**

**ИМКОНИАТ**

**Тадбиркорга назорат эмас, тушунтириш ва кўмак зарур**

Мен маҳалладаги солиқ инспектори сифатида ҳар куни одамлар билан юзма-юз учрашаман. Кўпчилик солиқчи деганда, фақат текширувчи ёки жарима солувчи кишини тасаввур қилади. Аслида, бизнинг вазифамиз – тадбиркорликни ривожлантириш, муаммоларни ўрганиш ва ечим топишга ёрдам беришдир.



**Расулжон ОБИДОВ, Янгиер шаҳридаги “Наврўзобод” ва “Янгиобод” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Маҳалладаги кичик дўконлар, кафе ва хизмат кўрсатиш марказлари ишимизнинг энг мураккаб майдонларидир. Бир куни маҳалладаги кичик кафе эгаси билан суҳбатлашдим. У бир неча йилдан бери иш юритади, аммо рўйхатдан ўтмаган. Сабаби оддий: “Солиқ кўпайиб кетади, ишим қийинлашади”, дейди. Шу сабабли нақд пул билан ишлашга мажбур бўлади, лекин ҳисоб-китоблар расмий эмас.

Шунингдек, икки муаммо ҳам кўп учрайди. Биринчиси, ишчиларни қонуний рўйхатдан ўтказиш қийинчиликлари. Кичик тадбиркор бир ёки икки ишчи билан ишласа ҳам, меҳнат шартномаси, суғурта ва бошқа мажбуриятлар уни қўриқтиради. Иккинчиси, банк ва электрон тўлов тизимларидаги қўшимча харажатлар. Кичик савдо қилаётган киши учун ҳар ой комиссиялар ва терминал харажатлари қўшимча юк бўлади, шу сабабли кўпчилик нақд пулни афзал кўради.

Мен вазифамни шунчаки назорат билан эмас, тушунтириш ва кўмак бериш билан бажараман. Тадбиркорга янги солиқ имтиёзлари, соддалаштирилган тартиблар ва электрон ҳисоб-китобнинг афзалликларини тушунтирдим. Натижада, у тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишга рози бўлди. Энди у ишчиларни қонуний ишга олади, мижозларга сифатли хизмат кўрсатади, ва маҳаллий бюджетга қўшимча тушум киради.

Мана шу оддий кафе орқали нафақат солиқ тушуми ошади, балки бир неча оиланинг иш жойи яратилади. Шундай пайтларда ичимдан шуни айтаман: бизнинг ишимиз жарима ёзиш эмас, маҳалладаги тадбиркор билан бирга ишлаш, муаммони тушуниш ва ечим топиш.

Ҳар бир янги тадбиркор, бу — маҳалламиз ривож, янги иш ўринлари ва ҳалол рақобат демакдир. Шу боис уларга кўмаклашишни асосий мақсад, деб биламан. Ишончим комилки, маҳаллада бундай ёндашув орқали иқтисодиётимиз янада шаффоф ва барқарор бўлади.

Пилла — ипак қурти тўқийдиган бу табиий толали қобик асрлар давомида чиройли ва сифатли ипак матолар тайёрлашда ишлатилган.

**КУМУШ ТОЛА ЙИҚҚАНГА КАТТА ИМТИЁЗЛАР БОР**



Юртимизда пиллачилик нафақат оддий қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, балки миллий ҳўнармандчилик ва кадрларимизнинг бир қисми ҳамдир. Атлас, адрас, ипак матолар каби маҳсулотлар айнан пилла туфайли дунёга машҳур бўлган. Шу сабабли пилла етиштириш халқимиз турмушида ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда ҳам ушбу соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 6 мартдаги “Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори пиллачиликни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ҳўжатлардан биридир. Ушбу қарор орқали соҳада фаолият юритаётган корхона

ва кластерлар учун бир қатор солиқ имтиёзлари белгиланди.

Аввало, **пиллачилик кластерлари** пилла етиштириш ва сақлаш учун фойдаланадиган бино ҳамда иншоотлар бўйича **мол-мулк солиғидан озод қилинди**. Бундан ташқари, улар фойдаланаётган ер участкалари учун ҳам **ер солиғи олинмайди**. Бу имтиёзлар корхоналарнинг харажатларини камайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имконият яратади. Яъни корхоналар солиқ юкидан биروز енгиллаб, кўпроқ маблағни ишлаб чиқариш, технология ва иш ўринларини кўпайтиришга йўналтириши мумкин.


Шунингдек, ипакчилик билан шуғулланувчи **корхоналарга фойда солиғи бўйича қўлай шароит яратилмоқда**. Агар корхона даромадининг камида 70 фоизи ипакчилик фаолиятдан келиб тушса, фойда солиғи ставкаси атиги 2 фоиз этиб белгиланади. Бу имтиёз, айниқса, юқори сифатли — “4А” ва ундан юқори даражадаги хом ипак, ипак момиги, ипак калаваси, ипак мато ҳамда ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қўланади. Демак, давлат корхоналарни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам рағбатлантирмоқда.

Бундан ташқари, **ипак мато ёки ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни** йўлга қўйган корхоналар учун **ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз** этиб белгиланди. Бирок бу имтиёзлардан фойдаланиш учун маълум шартлар ҳам мавжуд. Масалан, корхонада ишловчи ходимларнинг **ўртача ойлик иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг камида икки бараваридан кам бўлмалиги** керак. Шунингдек, корхона даромадининг камида 60 фоизи айнан ушбу фаолиятдан олиниши талаб этилади. Бу талаблар орқали давлат корхоналарни нафақат фойда қўришга, балки ишчиларга муносиб иш ҳақи тўлашга ҳам ундамоқда.

**Қарорда яна бир муҳим ижтимоий жиҳат ҳам бор**. Ипак қурти уруғларини тайёрлаш ёки қуртхоналарда пилла етиштириш каби мавсумий ишларга жалб қилинган аҳолининг ушбу фаолиятдан олган даромадлари **даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан озод қилинади**. Бу эса қишлоқ жойларда яшовчи аҳолига қўшимча даромад топиш имконини яратади.



**Умуман олганда, ушбу қарор пиллачилик соҳасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва миллий ҳўнармандчиликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу имтиёзларнинг амалда қандай натижа бериши кўп жиҳатдан корхоналар ва кластерларнинг ушбу имкониятлардан қўй даражада самарали фойдаланишига ҳам боғлиқ. Агар бу имкониятлар тўғри йўлга қўйилса, пиллачилик нафақат иқтисодиётга фойда келтиради, балки юртимизнинг ипак маҳсулотлари яна дунёга машҳур бўлишига хизмат қилиши мумкин.**



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.**

**“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ”**

**ТЕЖАЛГАН МАБЛАҒ КОРХОНА РИВОЖИГА САРФЛАНАДИ**

“Парравшан-транс” корхонаси, асосан, паррандачилик билан шуғулланади, қолаверса, чорвачилик тармоғи ҳам қўшимча даромад манбаи саналади. Охириги йилларда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар натижасини ўз фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз.



**Анвар РАВШАНОВ. Когон тумани “Чолоки” маҳалласи.**

Хусусан, “Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси-

да”ги Президент фармони қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланаётган корхоналар учун муҳим енгиллик бўлди. Ушбу фармонга кўра, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари учун ҚҚС ставкаси “ноль” фоиз этиб белгиланди. Бундан ташқари, ҳисобга олинган ҚҚСни қайтариб олиш жараёни соддалаштирилди

— эндиликда у автоматик тарзда, 3 кун муддат ичида қайтариб берилди.

Бу ўзгаришларнинг амалий натижасини ҳозирдан ҳис қилишимиз. Масалан, аввалги йилларда корхонамиз ҚҚС сифатида 1 миллиард 7 миллион сўм маблағ тўлаган эди. Эндиликда 1 январдан бошлаб, ушбу солиқ ставкаси “ноль” этиб белгилангани сабабли бу харажатлар анча камайди. Фақатгина январь ойининг ўзида тахминан 170 миллион сўм ҚҚС тежаб қолди. Февраль ойида ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, қарийб 180 миллион сўмлик фойда ўзимизда қолади.

Бу маблағлар биз учун жуда муҳим. Чунки тежаб қолинган пулни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологиялар жорий қилиш, қорва ва парранда сонини кўпайтириш ҳамда ишчиларимиз учун янада яхши шароит яратишга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Натижада нафақат тадбиркорлар, балки бутун иқтисодиётимиз бундан фойда кўради.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Йўлдош ЭРКИНОВ. Самарқанд вилояти:**

— **Бир ой олдин яқин қариндошим вафот этди. Унинг тижорат банкида омонатлари ва пул ўтказмалари мавжуд. Мен банкка мурожаат қилиб, маълумот сўрадим. Бирок мерос ҳўқуқини тасдиқловчи ҳўжатларни тақдим эта олмадим. Банк эса банк сирини ташкил этувчи маълумотларни беришдан бош тортди. Банкнинг ушбу ҳаракати қонунийми?**

**ВАФОТ ЭТГАН ШАХСНИНГ ОМОНАТИ КИМГА БЕРИЛАДИ?**

**Мансур АХТАМОВ, ҳўқуқшунос, адвокат:**

— Агар сиз банкка вафот этган шахснинг ҳисобварақлари ёки омонатлари тўғрисида маълумот олиш учун мурожаат қилсангиз, банк бундай маълумотларни фақат қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши мумкин. Яъни, мижозга доир банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг меросхўрлари ёки ҳўқуқий ворисларига, улар мерос ҳўқуқини ёки ҳўқуқий ворисликни тасдиқловчи зарур ҳўжатларни тақдим этган тақдирда берилди.

Агар сиз мурожаат қилган пайтда мерос ҳўқуқини ёки ҳўқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳўжатларни тақдим этмасангиз, банк сиз сўраган маълумотларни бериш имконияти йўқлиги ҳақида сизни хабардор қилиши шарт. Шу би-



лан бирга, банк сиздан қўшимча ҳўжатлар тақдим этишни талаб қилишга ёки мерос ҳўқуқи ёхуд ҳўқуқий ворисликни тасдиқлаш мақсадида тегишли нотариусга ёки юридик шахсини давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ёзма сўров юборишга ҳақли.



Ўзбекистон Республикасининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган КИБЕРХАВФСИЗЛИК СТРАТЕГИЯСИ тасдиқланди.



2025 йилда Ўзбекистонда 155 мингдан ортиқ ЖИНОЯТ ҚАЙД ЭТИЛДИ. Бу ҳар 100 минг аҳолига 412,9 та жиноят тўғри келади дегани.



ЖАНГОВАР СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА мусобақаларни ноқонуний ташкил этганлик ва ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Сўнги йилларда жамиятда фирибгарлик жиноятлари кўпайиб бораётгани ташвишли. Ҳар қанча огоҳлантирилса, содда ва ишонувчан одамлар ҳали-ҳамон бундай тўзоқларга тушиб қолмоқда. Фирибгарлар баъзан ўзларини тadbиркор, баъзан мутахассис, баъзан шифокор сифатида таништириб, одамларнинг дарди ва ишончидан фойдаланишга уринмоқда.

ОҚ ЛИБОСГА ДОҒ ТУШИРГАН ФИРИБГАР



Тўлқин АБДИРАИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани суди раиси.

Али Худоёров (исм-шарифи ўзгартирилган) ўттиз саккиз ёшни қаршилаган бўлса-да, бу вақт ичида икки марта озодликдан маҳрум этилиб, жазони ҳам ўтаб улгурган. Унинг аввалги жиноятлари айнан фирибгарлик билан боғлиқ эди. Озодликка чиққач, у яна ўз касби — шифокорлик фаолиятини давом эттириб, вилоят марказидаги нуфузли шифо масканларидан бирида ишлаш бошлади.

Бўкрини гўр тўғрилари, деганларидек, бир куни у ижтимоий тармоқларни кўздан кечираркан, навбатдаги фирибгарлик “режа”си ярқ этиб хаёлига келди. Дарҳол интернетда саҳифа очиб, Ҳиндистондан машҳур шифокорлар келиб, оғир касалликларни даволаш бўйича қабул ўтказиши ҳақида эълон жойлади. Эълонга ўзининг телефон рақамини ҳам қўшиб қўйди.

Кўп ўтмай, телефонига бирин-кетин кўнгириклар кела бошлади. У ҳар бир мурожаатчи билан хушмуомала оҳангда гаплашиб, уларни “рўйхат”га олди. Уларга гўёки мутахассислар қабули учун олдиндан пул тўлаб навбатга ёзилиш лозимлиги, касаллик турига қараб, керакли дори-дармон учун олдиндан тўлов қилиш ҳам талаб этилишини эринмай тушунтирарди.

Кўмқўрғонлик Жалил Эгамов (исм-шарифи ўзгартирилган) ана шундай мурожаат қилувчилардан бири бўлди. У қизининг терисига пайдо бўлган касаллик туфайли кўп шифокорларга мурожаат қилган, аммо кутилган натижани ололмаган эди.

У қизининг қўлидаги ярани суратга олиб юборди. Шундан сўнг Али Худоёров узича “мутахассислар хулосаси”ни баён қилиб, қабул учун уч юз минг сўм, дори-дармон учун эса икки миллион сўм керак бўлишини билдирди. Пулни ўтказиш учун ўзининг пластик карта рақамини юборди.

Шифога умид қилган одамлар унинг айтганларига ишониб, ана шу тарзда бирин-кетин пулларни ўтказа бошлади. Али Худоёров эса келиб тушаётган маблағларни ўз эҳтиёжига ишлатиб, тараллабедод қилиб юрарди. Муро-

жаат қилувчилар қачон хориждан шифокорлар келишини сўрашса, у: “Яқин кунларда келади”, деб алдашда давом этди.

Кунлар ойлارга уланди. Бир куни Жалил Эгамов яна кўнгирик қилиб, шифокорлар қачон келишини сўраганида, бепарво тарзда дўхтирлар келмаслиги, пуллар энди йўқлигини айтди. Шундан сўнг жабрланувчи алданганини тушуниб етди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Кўп ўтмай, Али Худоёров кўлга олиниб, тергов ҳаракатлари бошланди. Жабрланувчилар уни аввалдан танимаган бўлса-да, телефон рақами ва пластик карта орқали жиноят ишлари аниқланди.

**Суд аввал ҳам шу турдаги жиноятлар содир этгани боис, уни хавфли рецидивист, деб топди ҳамда қилмишига яраша жазо тайинлади. Бу воқеа барчага яна бир бор сабақ бўлиши керак.**

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нодирбек СОАТОВ, Учкўрғон тумани:

— Кейинги кунларда ички ишлар ходимлари фуқаролар билан муносабатда электрошок қурилмасидан фойдаланишга кўп гуво бўляпмиз. Қонунчиликда ходим бу қурилмадан фойдаланиши тартибга солинганми? Қандай вазиятда ундан фойдаланиш мумкин?

**Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:**

— Қонунчиликка кўра, ички ишлар органи ходими фуқарога ёки ходимга қилинган ҳужумни қайтариш, жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка ва қаршилик кўрсатишига чек қўйиш мақсадида электрошок қурилмаларини қўллаш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, жиноят-



**Электрошок қурилмасидан қачон фойдаланиш мумкин?**

Ушбу сондаги барча мақолалар матини мусахҳиқ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ХАВФСИЗ МУҲИТ

**Одамларни тингламасдан, мулоқот қилмасдан муаммолар бартараф этилмайди**

Маҳаллаимиз нафақат пойтахтда, балки республикада ўз ўрнига эга ҳудуд. Бу ерда маҳобатли Ислон цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, бир нечта тарихий обидалар, Абдулла Қодирий ижод мактаби, ўнлаб меҳмонхона ҳамда ҳостеллар қад ростлаган. Табиийки, буларнинг барчаси “еттилик” ходимлари зиммасига янада масъулият юклайди. Чунки келиб-кетувчи кўп ҳудудда жиноят ҳам нисбатан ортиб боради.

Жавоҳир ЭСОНБОВ, Олмазор туманидаги “Хастимом” маҳалласи профилактика инспектори.

Профилактика инспектори сифатида туну кун оёйишталikka масъулман. Зеро, инспекторнинг вазифаси фақатгина ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини аниқлашдан иборат эмас, балки одамлар билан мулоқот қилиш, уларни тинглаш, муаммоларни олдиндан билиб, бартараф этишдир. Айни вақтда ҳудудда 347 та хонадон бўлиб, 4 200 нафар фуқаро истиқомат қилади. Барча хонадон эгаларининг исм-шарифигача ёддан биламан. Бу — ҳар бир муаммо ва мурожаатни ўз вақтида ҳал қилишида муҳим аҳамият касб этипти. Муқаддам судланган ёки жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқаролар ҳамда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан мулоқот ўтказиб, энг аввало, уларнинг бандлигини таъминлаш, оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратяпмиз. Нотинч оилалардан хабар олиб, ҳар куни 20 та оиллага кириб профилактик суҳбат олиб боряпмиз. Муаммолар ўрганилиб, мутасадди идора вакиллари билан бирга ҳал этиш чоралари кўриляпти.



**Сўнги йилларда ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланди. Янги қурилган миллий савдо мажмуалари, хунармандчилик марказлари меҳнат бозорида янги имкониятлар яратди. Шунингдек, маҳалла фаоллари ташаббуси билан “Аёллар дафтари”даги 79 нафар хотин-қиз, 12 нафар ишсиз ёш бандлиги таъминланди.**



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Ҳозирча “сариқ” тоифадамиз. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Яъни ҳудуддаги кенг қўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари туфайли турли вилоятлардан ишчилар келиб ишлашади. Бундан ташқари, маҳалланинг “Чорсу” бозорига яқинлиги, бу ерда савдо-сотик билан шуғулланувчи фуқаролар сонининг кўплиги

боис 2025 йил давомида 4 та жиноят қайд этилди. Эндиликда асосий вазифа — жиноят содир бўлишига олиб келувчи омилларни бартараф этиш ва маҳаллани “яшил” тоифага ўтказиш. Мен учун ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро алоҳида кадрга эга. Балки шундандир одамлар ҳам меҳнатимга яраша ҳурмат қилишади.

